

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5231200 – Суғурта иши
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент-2018



A handwritten signature in black ink, enclosed in an oval border.

СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент молия институти.
- Ўзбекистон сугурта бозорининг профессионал иштирокчилари уюшмаси.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил «18» августи даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

3. ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

т/р		бет
1.	<i>5231200 – Сугурта иши бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи</i>	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси	4
1.2.	<i>5231200 – Сугурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи</i>	4
2.	<i>5231200 – Сугурта иши бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар</i>	6
2.1.	Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.....	6
2.2.	<i>5231200–Сугурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари</i>	6
3.	<i>5231200–Сугурта иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар</i>	8
3.1.	Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	8
3.2.	<i>5231200–Сугурта иши бакалавриат таълим йўналиши малака амалиётларига қўйиладиган умумий талаблар</i>	10
3.3.	<i>5231200–Сугурта иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми</i>	10

1. 5231200 – Сугурта иши бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

5231200 – Сугурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўкув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) хамда олий маълумот тўгрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўкув режа ва фан дастурининг муддати ва мос малака(даражаси) 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўкув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даражаси)

Ўкув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даражаси)	Ўкув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриатнинг ўкув режа ва фан дастури	Бакалавр	4 йил

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби **5231200 - Сугурта иши** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўкув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Узбекистон Республикаси худудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмууни ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўкув режа ва фан дастурларини амалга ошириш хукуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўкув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чикиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўкув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўкувтарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талabalari;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув - услубий бошқарма бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш хукуқига эга бўлганabituriyentlar ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5231200 - Сугурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қасбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 5231200 – Сугурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қасбий фаолиятининг соҳалари:

5231200 - Сугурта иши бакалавриат таълим йўналиши – фан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги йўналиш бўлиб, сугурта компанияларида сугурта ишини ташкил этиш, кўрсатиладиган сугурта хизматлар сифатини яхшилаш, кадрлар сугурта маркетинги тадқиқотларини ўтказиш, сугурта муносабатларини тартибга солиш, меҳнат

ресурслари балансини тузиш, аҳолини ҳар хил баҳтсиз ҳодисалардан сұғурта қилиш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 5231200 – Сұғурта иши таълим йұналиши бүйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– сұғурта фаолиятини ташкил этиш, сұғурта бозорини ривожлантириш ва тартибга солиши ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш, аҳолини сұғурта қилиш билан боғлиқ муносабатларини тартибга солиши, аҳолига күрсатыладиган сұғурта хизматлари бүйича сийловлар бериш ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш жараёнлари.

5231200 – Сұғурта иши таълим йұналиши бүйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуидагиларни қамраб олади:

- сұғурталаш қоидалари ва дастурларни ишлаб чиқиши ҳамда уларни құллаш юзасидан қарорларни қабул қилиш;
- сұғурта операцияларини синтезлаш ва оптималлаштириш, сұғурта тарифларининг илмий асосланишини таъминлаш;
- сұғурталовчининг инвестицион сиёсатини амалга оширилиш жараёнларини ташкил этиш;
- сұғурта захираларини шакллантириш бүйича ҳисоботлар тузиш;
- сұғурта махсулотларини сотиши жараёнларини бошқариш ва воситачиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;
- сұғурта дағыларини күриб чиқиши ва бартараф этиши ишларини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш;
- сұғурта фаолияти юзасидан бизнес-режани ишлаб чиқиши;
- сұғурта объектини таҳлил қилиш ва унга таъсир этувчи омилларни баҳолаш;
- сұғурта ишининг қонунчилік асосларини такомиллаштириш;
- сұғурта ташкилоти фаолиятини бюджетлаштириш, сұғурта портфели шаклланишини ташкил этиши ва назорат қилиш;
- сұғурта фаолиятида маркетингни самарали құллаш орқали, сұғурталовчининг рақобатдошлигини таъминлаш.

1.2.3. 5231200 - Сұғурта иши таълим йұналиши бүйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- молиявий-иктисодий;
- ҳисоб, таҳлил ва назорат;
- ташкилий-бошқарув;
- ишлаб чиқарииш ва хизмат күрсатиши;
- илмий-тадқиқот;
- педагогик (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хұнар таълими тизимида).

Таълим йұналиши бүйича тайёрланған бакалаврлар касбий фаолиятларининг муйаян турлари таълим жараённининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. Таълим йұналиши бүйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари

Таълим йұналиши бүйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан үтгандан сұнг ўрта махсус, касб-хұнар таълим муассасаларида махсус фанларни үқитиши мүмкін.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5231200 - Сұғурта иши таълим йұналиши бүйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин турдош олий таълим муассасаларида магистратура мутахассислиги бүйича иккى йилдан кам бўлмаган муддатда ўқиши давом эттириши мүмкін.

2. 5231200 – Сугурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

- дунёқарашибилан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиш;
- гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиш, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- Ватан тарихини билиш, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиш ва илмий асослай билиш, миллий истиқлол гоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиш;
- табиат ва жамиятда кечеётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасавурга эга бўлиш, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаш ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиш;
- инсоннинг бошка инсонга, жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиш, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиш;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усусларини эгаллаш, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиш, ўз устида ишлаш ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- битта хорижий тилни эркин сўзлашув даражасида эгаллаган бўлиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассавур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниктириш ўқув ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.

Бакалавр:

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;
- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими учун тайёрланади.

2.2. 5231200 – Сугурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

Молиявий-иқтисодий фаолиятда:

- сугурта ташкилотлари молиясини бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий хужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;
- бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- сугурта бозорида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;
- сугурта ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолашда молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш усуулларини қўллаш;
- сугурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:

- сугурта соҳасидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усуулларини билиш;
- иқтисодий маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- сугурта ташкилотлари фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш;

–сүгурта бозори кўрсаткичилари динамикаси ва ўзгариш тенденцияларини таҳлил қилиш;

–сүгурта ташкилотларининг молиявий ва статистик ҳисоботларини тузиш ҳамда таҳлил қилиш;

–сүгурта хизматларини кўрсатиша ахборот-коммуникация ва интернет технологиялари ва техник воситалардан фойдаланиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим**.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

–ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

–сүгурта хизматини кўрсатиш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

–ахборот-коммуникация ва интернет технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;

–сүгурта иши ечимларини амалиётга татбиқ этиш;

–сүгурта хизматини кўрсатиш жараёнида маркетинг фаолиятини бошқариш;

–бошқарув қарорини қабул қилиш;

–ишни ташкил қилиш ва уни бошқариш;

–сүгурта фаолиятини амалга ошириш бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва натижаларини баҳолаш;

–сүгурта хизматини кўрсатиш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторингини юритиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим**.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

–сүгурта ташкилотларида ишчи кучига сарфланадиган харажатларни ишлаб чиқиш;

–меҳнат унумдорлигини ўлчаш ва уни ошириш имкониятларини аниқлаш;

–ходимларни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш;

–иш ўринларини ташкил этиш ва таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш.

–сүгурта бозорини конъюнктуравий ҳолатининг таҳлилий шархини ишлаб чиқиш;

–илмий ва амалий фаолиятда соҳага мос тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш **қобилиятларига эга бўлиши керак**.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- сүгурта фаолияти бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;

- сүгурта соҳасига тегишли ютуқларни, маҳсус адабиётларни ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш;

- мавзу бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш;

- интернет тармоғидан янги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш;

- илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жалб этиш **қобилиятларига эга бўлиши керак**.

Педагогик фаолиятида (умумий ўрта ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими тизимида):

–умумий ўрта, ўрта маҳсус қасб-хунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича ахборот-коммуникация ва интернет технологиялари ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий-амалий машгулотларни ўтказиш;

–ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек ўқув фани бўйича тадқиқотларда маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

–фанлар бўйича дарс машгулотларини ўтказиш учун зарур бўлган модули тизимга асосланган ўқув-методик хужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;

—мустақил таълим ва ижодий ёндашув орқали педагогик фаолият соҳасида ўз-
ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

3. 5231200 – Сугурта иши бакалавриат таълим йўналиши ўкув режаси ва фан дастурлари мазмунинг қўйиладиган умумий талаблар

5231200-Сугурта иши бакалавриат таълим йўналиши ўкув режаси ва фанлар
дастурлари умумий ўрганишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг
куйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

- гуманитар ва табиий-илмий;
- умумкасбий;
- ихтисослик;
- қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда
тутилиши шарт.

Ўкув режалар мажбурий ўкув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган, кадр
истеъмолчиларнинг ёки бошқа соҳа мутахассисларининг таклифлари асосидаги фанларни
ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўкув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштирища
талабаларнинг ўкув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил
билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўкув режасига мувофиқ равишида якуний давлат
аттестацияси билан тугалланиши шарт.

3.1. Ўкув режа фанлари блоклари мазмунинг қўйиладиган умумий талаблар Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрганишини мажбурий таълим вазирлиги томонидан
тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўкув режаларидағи
гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки таркибига киритилган биринчи еттига
фанларнинг мазмунинг қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади;

- иқтисодиётда умумий ўрганишини мажбурий таълим йўналишлари ўкув режаларидағи
хамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда иқтисодчилар учун математик усулларни,
ахборот технологиялари орқали маълумотлар тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш,
эконометрик таҳлилларни олиб бориш усулларини билишнинг иқтисодиёт соҳасидаги
ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

- иқтисод таълим соҳаси учун зарур бўлган фундаментал фанларни чукур
ўрганишининг илмий ва назарий асосларини таъминлаши ҳақидаги илмий тасаввурларни
шакллантириши лозим.

Мазкур блокнинг бошқа фанлари мазмунинг қўйиладиган умумий талаблар:

- ахборот комплекслари, ахборот тизимлари, иқтисодиётда қўлланиладиган
дастурий таъминотлар орқали соҳанинг самарадорлигини оширишни тизимли ўрганиш;

- математиканинг чизиқли алгебра, математик анализ, дифференциал ва интеграл
ҳисоб ҳамда дифференциал ва чекли айирмали тенгламалар ёрдамида ижтимоий-
иктисодий соҳада қўлланилаётган моделларни тизимли ўрганиш;

- иқтисодий жараён ва ҳодисалар ҳақида маълумотларни олиш, қайta ишлаш,
таҳлил қилиш ва баҳолашни билиши;

- иқтисодий обьектлар ва жараёнларнинг микдорий ўзаро боғлиқлигини математик
ва статистик методлар ва моделлар ёрдамида ўрганиши лозим.

Умумкасбий фанлар блоки:

- таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чукур эгаллаш учун зарур
бўлган фундаментал умумкасбий назарий-амалий билим ва кўникмаларни
шакллантириши;

– шахснинг характери, темпераменти, қобилияти ва иқтидорига кўра, касбга доир билим, кўникма, малакани эгаллаши ва уни ривожлантириши;

– иқтисодий қонунлар ва категориялар, иқтисодий жараён ва ҳодисалар моҳиятини тушуниш, иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш механизмларини билиши;

– корпоратив бошқарув тизимида қарорларни қабул қилиш ҳамда микроиктисодиётнинг асосий категориялари, макроиктисодий кўрсаткичлар, уларни ҳисоблаш орқали пул-кредит, бюджет-солиқ ва ташқи иқтисодий сиёсатни амалга ошириш юзасидан кўникмаларини шакллантириши;

– статистика амалиётида кўлланиладиган иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиш;

– менежмент ва маркетинг асосларини билиши, функция, усул ва тамойилларини чукур ўрганиши, қарорларни қабул қилиш ва улар ижросининг назоратини олиб бориши;

– бухгалтерия ҳисоби усуллари юзасидан тасаввурга эга бўлиши, ҳисоб сиёсатини юритиш ва молиявий ҳисботни тузиш кўникмаларига эга бўлиши;

– иқтисодиёт субъектларининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда молиявий кўрсаткичларини аниқлаши;

– аудиторлик текширувни ўtkазиш усулларини билиши ҳамда аудиторлик хуносаси ва ҳисботини тузиши;

– корпоратив молияни бошқариш механизмини билиши, молиявий таъминотни ва инвестиция фаолиятни ташкил этиши, молиявий рискларни бошқариши;

– сугуртанинг мазмун-моҳияти, шакллари, сугурта фаолияти классификатори ва сугуртанинг норматив асослари ҳамда сугурта бозори субъектлари фаолиятининг назарий ва амалий жиҳатларини билиши;

– бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, ҳисоб хужжатлари ва регистрлари ҳамда молиявий ҳисбот тузишни билиши лозим;

– инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашнинг анъанавий ва дисконтлашга асосланган усулларини қўллаш, муқобил инвестиция лойиҳаларидан энг самарали инвестиция лойиҳасини танлаб олиш, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш жараёнида инфляциянинг таъсирини баҳолаш, лойиҳа самарадорлигига таъсир килувчи рискларни аниқлаш, уларнинг лойиҳага таъсир доирасини баҳолаш ҳамда лойиҳага таъсир килувчи рискларни бошқариш.

Ихтисослик фанлар блоки:

– тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича маҳсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва уқувларини шакллантириши;

– сугурта ташкилотлари капиталига киритилган ва улар томонидан килинган инвестициялар самарасини баҳолаш ҳамда тартибга солиш;

– сугурта бозори конъюктурасига мос равишда сугурта ташкилотларининг ишлаш механизмини аниқлаши, меҳнатга ҳақ тўлаш учун ажратилган маблаглардан фойдаланиш самарадорлигини ҳисоблаши, иш вақти фондини тузиш ва ундан фойдаланишини иқтисодий таҳлил қилиши;

– таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

– Ихтисослик фанларининг дастурларини ишлаб чиқишида кадрлар буюртмачиларининг талабларини эътиборга олинади.

Қўшимча фанлар блоки

– таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чукур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

– таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва иқтисодий жараёнлар тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўкув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминлаши лозим.

Танлов фанлари:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари ва соҳа мутахассисларининг тақлиф ва талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг маркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

3.2. 5231200 – Сугурта иши бакалавриат таълим йўналиши малака амалиётларига қўйиладиган умумий талаблар

5231200 – Сугурта иши бакалавриат таълим йўналишида малакавий амалиёт куйидаги босқичларда амалга оширилади:

- ўқув-танишув;
- ишлаб чиқариш;
- битирув олди.

Ўқув-танишув амалиёти - талабаларни суғурта компаниялари фаолияти билан умумий тарзда таништириш мақсадида амалга оширилади. Хусусан, суғурта компанияларида фаолият юритиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўтказилади.

Бу жараён:

- Ўзбекистон Республикаси суғурта соҳасини тартибга солувчи норматив-хуқукий хужжатлар;

- Ўзбекистон Республикасининг “Сугурта фаолияти тўғрисида”ги Конун;

- Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари;

- Суғурта компаниялари фаолиятини ривожлантириш дастурлари;

- Суғурта компаниялари фаолиятида юзага келадиган молиявий муносабатлар;

- Мамлакатда суғурта фаолиятини ташкил этилиши ва йўлга қўйилиши юзасидан кўникмаларни шакллантиришга қаратилган.

Ишлаб чиқариш амалиёти - ихтисослик фанлари блоки таркибидаги фанлардан ўтказилади. Таълим йўналиши талабаларида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида мустақил ишлаш кўникмаларини қарор топтириш максадида ўзлаштирган билимларини амалиёт билан узвий боғлиқликда мустаҳкамлашини таъминлашга қаратилган.

Ишлаб чиқариш амалиёти:

- суғурта компаниясинининг операцияларини ташкил қилиш борасидаги фаолиятини ўрганиш ва амалга ошириш;

- суғурта маҳсулотларини яратиш ва сотиш каналларни ташкил этиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш усулларни таҳлил қилиш;

- суғурта маҳсулотлари таркибини ва кўрсатилиш механизmlарни таҳлил қилиш;

- суғурта компанияларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш бўйича амалий кўникмалар шакллантириш.

Битирув олди амалиётида талаба битирув малакавий иши мавзуси бўйича илмий-назарий ишланмаларни ўрганиш жараёнида орттирган тадқиқ манбаларини амалий, статистик маълумотлар билан асослаши, инновацион иқтисодиёт ривожланиши шароитида соҳа муаммоларини аниқлаши ҳамда уларнинг аниқ ечимини ишлаб чиқиш кўникмасини орттириши, битирув малакавий иши мавзусига доир маълумотлар, материаллар ва бошқа манбалар базасини шакллантириши назарда тутилган.

Бунда:

- битирувчини бевосита малака талабларига мувофиқ мустақил ишлашга тайёрлаш;

- ўзлаштирган назарий билимларини чукурлаштириш ва мустаҳкамлаш;

- жамоада ташкилотчилик ва раҳбарлик тажрибасини орттириш;

- мамалакат суғурта соҳасини ташкил этиш бўйича илмий-амалий фаолият орқали иқтисодий кўрсаткичлар динамикасини ўрганиш, таҳлил қилиш, илмий хулоса ва амалий тақлифлар ишлаб чиқиши юзасидан зарур кўникмалар шакллантирилади.

Малакавий амалиётни ўташ муддатлари ўқув режаси графигида мувофиқлаштирилган. Унинг якуннида талаба дастур доирасида бажарган ишлари бўйича

ҳисобот тайёрлайди ҳамда кафедра таркибидан шакллантирилган комиссия олдида уни ҳимоя қилади.

Талабанинг илмий-тадқиқот иши унда касбий компетенцияни шакллантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади. Битиравчи кафедранинг илмий фаолиятида фаол иштирок этиши, курс ишлари, малакавий амалиёт мақсадли бажарилиши ва узвий равишда битирав малакавий ишининг асосий манбаси бўлишини назарда тутади.

Талабалар илмий-тадқиқот ишини ташкил этиш юзасидан қуйидаги шарт-шароит таъминланиши керак:

- илмий ишларнинг мавзулари рўйхати билан талабаларни ўз вақтида хабардор қилиш;

- кадр тайёрловчи факультет (кафедра)нинг илмий мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариши учун талабаларни белгиланган меъёр даражасида таъминлаш;

- ОТМнинг ахборот ресурс марказида мустақил илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун зарур шарт-шароитни яратиш;

- талабалар илмий-амалий конференцияларини ташкил қилиш.

Битирав малакавий ишига қўйиладиган талаблар:

Талабаларнинг битирав малакавий иши мавзуси ОТМ бўйруги билан расмийлаштирилади.

Битирав малакавий иши мавзулари соҳанинг ривожланиш стратегияси, шунингдек, фан-технологиялар ва иқтисодиётдаги ўзгаришлар ҳамда кадрлар буюртмачиларининг талабларини инобатга олган ҳолда ОТМнинг бакалаврлар тайёрловчи кафедраси томонидан белгиланади.

Битирав малакавий иш мавзулари илмий-назарий ёки назарий-амалий йўналишида бўлиши мумкин.

Битирав малакавий иш топшириги учинчи курснинг иккинчи ярим йиллиги давомида талабалар эътиборига етказилади ҳамда мавзуларнинг танлови амалга оширилади. Битирав малакавий иши малака талабида белгиланган вақт давомида бажарилади.

Битирав малакавий ишининг мазмуни, ҳажми ва тузилмасига бўлган талаблар битиравчиларнинг якуний давлат аттестацияси ўтказиш ҳакидаги Низом асосида кафедра томонидан белгиланади.

3.3. 5231200-Сугурта иши бакалавриат таълим йўналиши ўкув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўкув ишларини ўз ичига олган ўкув юкламасининг энг юқори ҳажми хафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми хафтасига 30 соатгacha қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўкув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўкув даврининг умумий ҳажми қуйидагicha тақсимланади:

- | | |
|---------------------------|---------|
| • назарий таълим - | 58,8 %; |
| • аттестация - | 8,8 %; |
| • таътил - | 15,7 %; |
| • малака амалиёти - | 14,7 %; |
| • битирав малакавий иши - | 2,0 %. |

Назарий таълим ҳажми фанлар блоклари бўйича қуйидагicha тақсимланади:

- | | |
|--|---------|
| • Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки - | 25,64%; |
| • Умумкасбий фанлар блоки - | 40,28%; |
| • Ихтисослик фанлар блоки - | 28,83%; |
| • Кўшимча фанлар | 5,25%. |

Ўкув иилида таътил даврининг умумий ҳажми 6-9 ҳафта қилиб белгиланади.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таяинч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият жабхаси, бакалавриатнинг асосий таълим дастури (бакалавриат дастури), профиль, ўқиб-урганиш натижалари, ўкув цикли, сугурта, сугурталовчи, сугурталанувчи, сугурта агенти, риск, сугурта обьекти, сугурта андеррайтери, сугурта сюрвейери, сугурта мукофоти, сугурта суммаси, сугурта шартномаси, сугурта полиси, сугурта портфели, сугурта тарифи, ихтиёрий сугурта, мажбурий сугурта, шахсий сугурта, мулк сугуртаси, жавобгарликни сугуртаси, сугурта захираси, қайта сугурта.

T/p	Ўқув блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари	Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда
1.00	Гуманитар ва табиий-илмий фанлар	1662
1.01	Ўзбекистон тарихи	78
1.02	Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти	78
1.03	Фалсафа	128
1.04	Диншунослик	64
1.05	Ўзбек (рус) тили	150
1.06	Хорижий тил	356
1.07	Жисмоний тарбия ва спорт*	128
1.08	Иқтисодиётда ахборот комплекслари ва технологиялари	172
1.09	Иқтисодчилар учун математика	348
1.10	Эконометрика	90
1.11	<i>Танлов фанлари</i>	70
2.00	Умумкасбий фанлар	2610
2.01	Касбий психология	100
2.02	Иқтисодиёт назарияси	328
2.03	Микроиктисодиёт. Макроиктисодиёт	268
2.04	Статистика	236
2.05	Менежмент. Маркетинг	200
2.06	Молиявий ва бошқарув ҳисоби	236
2.07	Молиявий таҳлил	224
2.08	Аудит	236
2.09	Солиқлар ва солиққа тортиш	224
2.10	Баҳолаш иши	224
2.11	Хизмат кўрсатиш субъектларида бухгалтерия ҳисоби	126
2.12	<i>Танлов фанлари</i>	208
3.00	Ихтисослик фанлари	1868
3.01	Суғурта иши	638
3.02	Рисқология	196
3.03	Суғуртанинг дастурий комплекслари	90
3.04	Халқаро сугурта бозори	128
3.05	Молия	228
3.06	Инвестиция ва инновациялар	228
3.07	Пул ва банклар	166
3.08	<i>Танлов фанлари</i>	194
4.00	Қўшимча фанлар	340
	Жами	6480
	Малакавий амалиёт	1620
	Битирув малакавий иши	216
	Аттестациялар	972
	Жами	2808
	Хаммаси	9288

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим
муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:



Тошкент молия институти

Ректор

Н.Хайдаров

2018 йил « ____ »

М.Ү.

Ўзбекистон сугурта бозорининг профессионал
иштирокчилари уюшмаси



Бош директор

Ф.Иминов

2018 йил « ____ »

М.Ү.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги
Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим мини
Ривожлантириш маркази

Директор проф. Б.Ҳ.Рахимов

2018 йил « ____ »

М.Ү.



АЖ “Ўзагросуғурта” сугурта компанияси

Бошқарув Раиси

С.Холхўжаев

2018 йил « ____ »

М.Ү.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ректор

Б.Ходиев

2018 йил « ____ »



М.Ү.

Ўзбекистон сұғурта бозорининг профессионал иштирокчилари Уюшмасининг 5231200 - “Сұғурта иши” таълим йўналиши учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг бакалавриат таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

т/р	Сұғурта компаниялари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши*		Сұғурта компанияларининг бакалавриат таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	шифри	номи	
1	5231200	Сұғурта иши	<p>Битирувчи қўйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - сұғурталаш қоидалари ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни қўллаш юзасидан қарорларни қабул қилиш; - сұғурта операцияларини синтезлаш ва оптималлаштириш, сұғурта тарифларининг илмий асосланишини таъминлаш; - сұғурталовчининг инвестицион сиёсатини амалга оширилиш жараёнларини ташкил этиш; - сұғурта захираларини шакллантириш бўйича ҳисботлар тузиш; - сұғурта маҳсулотларини сотиш жараёнларини бошқариш ва воситачиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш; - сұғурта даъволарини кўриб чиқиш ва бартараф этиш ишларини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш; - сұғурта фаолияти юзасидан бизнес-режани ишлаб чиқиш; - сұғурта объектини таҳлил қилиш ва унга таъсир этувчи омилларни баҳолаш; - сұғурта ишининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш; - сұғурта ташкилоти фаолиятини бюджетлаштириш, сұғурта портфели шаклланишини ташкил этиш ва назорат қилиш; - сұғурта фаолиятида маркетингни самарали қўллаш орқали, сұғурталовчининг рақобатдошлигини таъминлаш; - сұғурта шартномаларида тариф ставкаларини шакллантириш ва амалиётда қўллаш; - сұғурта компаниясининг тўлов қобилиятини аниқлаш; - сұғурта фаолиятини солиқса тортиш; - қайта сұғурталаш шартномасини тузиш;

- | | | |
|--|--|--|
| | | <ul style="list-style-type: none"> - қайта сұғуртада рискларни таҳлил қилиш ва бошқариш; - қурилиш-монтаж рискларини сұғурталаш бүйича сұғурта шартномасини тузип; - Ўзбекистон сұғурта бовори ҳолатини таҳлил қилиш; |
|--|--|--|

Ўзбекистон сұғурта бозорининг профессионал иштирокчилари Уюшмаси бош директори

Кадрлар бүліми бошлиғы

Тошкент молия институти
ўкув ишлари бүйича проректор



Иминов Ф.Т

И.Құзиев



**“Ўзагросуғурта” АЖ нинг 5231200 - “Сұғурта иши” таълим йұналиши учун янгидан яратыладын малака
талабларыга киритиладын кадрлар истемолчиларининг бакалавриат таълим йұналиши битирувчилари касбий
фаолиятларына қўйиладын умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)**

т/р	Сұғурта компаниялари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йұналиши*		Сұғурта компанияларининг бакалавриат таълим йұналиши битирувчилари касбий фаолиятларыга қўйиладын умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	шифри	номи	
1	5231200	Сұғурта иши	<p>Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - сұғурталаш коидалари ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни қўллаш юзасидан қарорларни қабул қилиш; - сұғурта операцияларини синт-еэлаш ва оптималлаштириш, сұғурта тарифларининг илмий асосланишини таъминлаш; - сұғурталовчининг инвестицион сиёсатини амалга оширилиш жараёнларини ташкил этиш; - сұғурта захираларини шакллантириш бўйича ҳисботлар тузиш; - сұғурта маҳсулотларини сотиш жараёнларини бошқариш ва воситачиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш; - сұғурта даъволарини кўриб чиқиш ва бартараф этиш ишларини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш; - сұғурта фаолияти юзасидан бизнес-режани ишлаб чиқиш; - сұғурта объектини таҳлил қилиш ва унга таъсир этувчи омилларни баҳолаш; - сұғурта ишининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш; - сұғурта ташкилоти фаолиятини бюджетлаштириш, сұғурта портфели шаклланишини ташкил этиш ва назорат қилиш; - сұғурта фаолиятида маркетингни самарали қўллаш орқали, сұғурталовчининг рақобатдошлигини таъминлаш; - сұғурта шартномаларида тариф ставкаларини шакллантириш ва амалиётда қўллаш; - сұғурта компаниясининг тўлов қобилиятини аниқлаш; - сұғурта фаолиятини солиққа тортиш; - қайта сұғурталаш шартномасини тузиш;

- | | | |
|--|--|--|
| | | <ul style="list-style-type: none"> - қайта сұғуртада рискларни таҳлил қилиш ва бошқариш; - курилиш-монтаж рискларини сұғурталаш бүйічә сұғурта шартномасини тузиш; - Ўзбекистон сұғурта бозори ҳолатини таҳлил қилиш; |
|--|--|--|

“Ўзагросұғурта” АЖ бошқарув Раиси

Кадрлар бўлими бошлиғи

**Тошкент молия институти
ўкув ишлари бўйича проректор**

С.М.Холхўжаев

И.Қўзиев



еллан

Тошкент молия институтининг 5231200 – “Сугурта иши” таълим йўналиши бўйича малака талаблари ва ўкув режаларини ишлаб чиқувчилар ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида

КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

“_ _ _ _ _” 201_ й.

Биз, қўйида имзо чекувчилар – Ўзбекистон суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари уюшмаси Бош директор Ф.Иминов ва Тошкент молия институти ўкув ишлари бўйича проректори И.Кузиев, мазкур келишув далолатномасини қўйидагилар ҳақида туздик.

